

5-10-2019

## PEDAGOGICAL COMMUNICATION: RELATIONSHIPS AND CHARACTERISTICS.

Bayramali Raximovich Muqimov

*Tashkent Institute of Engineers of Irrigation and Agricultural Mechanization assistant*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Muqimov, Bayramali Raximovich (2019) "PEDAGOGICAL COMMUNICATION: RELATIONSHIPS AND CHARACTERISTICS.," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 5 , Article 79.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss5/79>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

**PEDAGOGICAL COMMUNICATION: RELATIONSHIPS AND CHARACTERISTICS.**

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

## ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХУСУСИЯТЛАРИ.

Муқимов Байрамали Рахимович

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини

механизациялаш муҳандислари институти, ассистент

*Аннотация.* Ушбу мақолада мулоқот, унинг мазмун моҳияти, касб таълимидаги босқичлари, мулоқот этикасининг вазифалари, мулоқотга киришиш, кириша олмаслик, ёшларни мулоқотга ўргатишда ўйин ва ноўйин шаклларидан фойдаланиш масалалари ёритиб берилган.

*Калит сўзлар:* мулоқот, касбий педагогик мулоқот, мулоқотга киришиш, ўзаро таъсир, ўйин ва ноўйин шакллар

## ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБЩЕНИЕ: ВЗАИМООТНОШЕНИЯ И ХАРАКТЕРИСТИКИ.

Муқимов Байрамали Рахимович

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства,  
ассистент

*Аннотация.* В этой статье обсуждаются такие темы, как общение, его содержание, этапы профессионального обучения, функции общения, навыки общения, невозможность доступа, использование игр и неподходящие формы общения.

*Ключевые слова:* общение, профессионально-педагогическое общение, общение, взаимодействие, игровые и неформальные формы.

## PEDAGOGICAL COMMUNICATION: RELATIONSHIPS AND CHARACTERISTICS.

Muqimov Bayramali Raximovich

Tashkent Institute of Engineers of Irrigation and Agricultural Mechanization assistant

*Abstract.* This article discusses topics such as communication, its content, stages of vocational training, communication functions, communication skills, inability to access, use of games and inappropriate forms of communication.

*Key Words:* communication, professional pedagogical communication, communication, interaction, play and non-formal forms

Ўзбекистоннинг таълим-тарбия соҳасидаги туб ўзгаришлардан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда таълим-тарбияда мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш, ҳам ўқитувчи, ҳам талаба-ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танланган мазмун, метод, шакл, воситага боғлиқ бўлиб қолмоқда. Аммо ушбу мақсадларни амалга оширишнинг энг муҳим қуроли борки, унинг воситасида таълим-тарбиявий жараённинг сифати ва самарадорлиги таъминланади. Бу – мулоқот этикасидир.

Ҳозирги ёшларда уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мулоқот этикасини шакллантириб бориш келгусида уларнинг етук мутахассислар бўлиб

етишишида муҳим аҳамиятга эгадир. Албатта бу ўринда педагогнинг педагогик мулоқотини янгилашнинг муҳим шартни эканлигини Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз нутқ ва маърузаларида алоҳида таъкидлайдилар, яъни бугунги шиддаткор ҳаёт одамлар билан бемалол мулоқот қила оладиган, яхшини ёмондан ажрата оладиган, ҳаётнинг пасту - баланд кўчаларида ақл - заковат билан тўғри йўлни топишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришни талаб қилмоқда.

Мулоқот - одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот (муносабат) биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошлашни ўз ичига олади. Бунда муносабатнинг коммуникатив жиҳати ҳисобга олинади. Кишилар муносабатга киришишда аввало тилга мурожаат қиладилар. Мулоқотнинг яна бир жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати - нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар билан ҳам айирбошладан иборат. Масалан, муносабатга киришар эканмиз, у бизни қониқтирса имо-ишора билан мулоқотда бўламиз. Муносабатнинг кейинги жиҳати мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларидир. Масалан, биз бир киши билан мулоқотга киришишдан аввал уни ҳурмат қилиб ёки менсимасдан муносабатда бўламиз. Демак, мулоқот жараёнида коммуникатив (ахборот узатиш), интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргаликда) идрок этиш амалга оширилади [1].

Касбий-педагогик мулоқотнинг 5 та босқичи бор. Булар қуйидагилардир:

1. Мулоқот жараёнида ориентировка (мўлжал олиш) қилиш. Бу босқичда педагог мулоқотининг анланганлиги юзага чиқади. Шунингдек, мулоқот услубини янги коммуникатив фаолият шароитида аниқлаш ҳам юзага чиқади.

2. Педагогик фаолиятнинг муҳим жиҳати эътиборни ўзига тортиш бўлиб, талаба билан самарали мулоқотни амалга ошириш учун дарс жараёнида талабанинг диққати барқарор бўлиши керак.

3. Объектнинг (киши) қалбини забт этиш босқичи педагогик мулоқотни ташкиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Моҳияти жиҳатидан бу босқич коммуникацияни ўзига хос излаш босқичидир. Масалан, янги материални баён этишда педагог талабаларни мулоқотга тайёрлаб олади. Педагогнинг талабани тушуниши касбий-педагогик мулоқотнинг калити ҳисобланади.

4. Педагогик мулоқотнинг яна бир босқичи бу вербал мулоқот, яъни педагогнинг янги материални ўқувчиларга оғзаки баён қилиб беришидир. Педагог учун нутқ мулоқоти жуда муҳим. Педагогик мулоқот тизимида педагогнинг сўзи образлар қўзғатувчиси бўлиб ҳисобланади.

5. Педагог билан тингловчи ўртасидаги ўзаро ҳаракатда ҳаяжонланишни кузатишнинг коммуникатив воситалари муҳим рол ўйнайди. Жумладан, педагогнинг нутқи жонли, оҳангларга бой, тушунарли, аниқ, содда тилда бўлиши керак. Шунда тингловчиларнинг идроки тўлиқ, образли бўлади [2, 33-34].

Педагог талабанинг диққатини тўплаб олишига имкон бериши керак. Бир-бирини тушуниш учун қуйидаги 5 та шартни айтиб ўтиш жоиз:

- биргаликдаги касбий тилга эга бўлиш;
- интеллект даражасини ҳисобга олиш;
- ахборотнинг тўлиқ бўлиши;
- мантиқан баён этиш;
- диққатни бир жойга тўплай олиш.

Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий психологик шартлари, ўқув фаолиятини самарали бўлиши учун фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этиш усуллари билиш муҳим бўлиб, уларни талабада муомала маданиятини шакллантириб боришга қаратилиши керак. Ҳар қандай муаммони ечиш учун қўллаш мумкин бўлган баҳс турлари ва асосан оғзаки баҳсни ўтказиш қоидалари борки, улар бевосита талабаларда мулоқот этикасини шаклланишида ёрдам беради.

Мулоқот этикасининг асосий вазифалари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

1) ҳамқорликдаги фаолият жараёнида шахслараро ўзаро таъсир ва мулоқот қонуниятларини ўрганиш;

2) Шарқ алломаларининг мулоқот ҳақидаги қарашларини таҳлил қилиш;

3) талабани фаолликка ундовчи мулоқот имкониятлари мавжудлигини таъкидлаб ўтиш;

4) талабаларда касбий лаёқатни фаоллаштиришга қаратилган мулоқотни шакллантириш;

5) шахслараро муносабатларни мувофиқлаштиришда мулоқотнинг ролини орттириш;

6) ўзаро таъсир этишнинг айрим оқибатларини ҳисобга олиш. Биз бўлажак мутахассисларда қуйидаги мулоқот хусусиятларини шакллантиришимиз зарур:

- мулоқот маданиятининг назарий асосларини;
- шахслараро муносабатлар қонуниятларини;
- педагогик мулоқотнинг қонуниятларини;
- оилада, гуруҳ ва жамоаларда мулоқотга қўйиладиган асосий талаблар ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;

- шахсда мулоқот шаклланишини ўрганиш;
- мулоқот маданиятини барча гуруҳ ва жамоаларда шакллантириш;
- шахслараро муносабатларда мулоқотнинг аҳамиятини кузатиш;
- мулоқот сирларини билиши ва қўллаш олишни;
- гуруҳларда мулоқотни шакллантириш методикаларини ўтказиш;
- оилада мулоқот маданияти, мулоқот сирларидан боҳабар бўлиш;
- мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида психологик маслаҳатлар ташкил этиш юзасидан кўникмалар ҳосил қилиш [3, 120-122].

Мулоқот ташқи таъсирлар, намуналар асосида ўзини-ўзи тузатиш, қайта тарбиялаш, шахсий имкониятини руёбга чиқариш учун пухта замин ҳозирлайди, комиллик сари етаклайди.

Мулоқотга кириша олмасликнинг асосий сабаби – бу ўзини - ўзи ортиқча ёки паст баҳолаш туфайли ўзига ва уни қуршаб турган одамларга нотўғри муносабатдир. Бунинг олдини олиш имкониятлари мавжуд бўлиб, асосан қуйидагиларга аҳамият бериш ижобий самаралар сари етаклайди:

1) ҳамқорлик фаолиятида, мулоқотлар тизими орқали мулоқот жараёнининг барча аъзолари ўртасида инсонпарварлик муносабатларини ташкил қилиш, эмоционал муҳитни таққослаш имкониятини юзага келтириш.

2) мулоқотда ички муносабатлар тизимида ҳар бир аъзонинг қулай позициясини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.

3) инсоннинг мулоқот хусусиятлари, мароми, усуллари, шакллари тўғрисидаги ахборотни эгаллашга оид махсус машғулотларни уюштириш.

4) шахслараро муносабатлар ва мулоқот усулларига мўлжалланган ишбилармонлик ўйинлари, психодрама, тренинг тизимини яратиш.

Мулоқотга ўргатишда ўйин ва ноўйин шакллари кўшиб олиб боришнинг аҳамияти катта:

1. Дарсга норасмий мулоқот элементларини киритиш. Айтиш пайтда дидактик ўйинлардан фойдаланиш, уларда мулоқот ташкилотчиси ролини муаллим эмас, ўқувчилардан бири бажариши.

2. Эътиборни жавобнинг ижобий жиҳатларига қаратиш. Ўқувчилар ўртоқларининг жавобларини холисона баҳолашга махсус ўргатилади, айтиш пайтда майда-чуйдаларгача эътиборни қаратиб, ўртоқларининг жавобларидаги энг муваффақиятли жиҳатларини ажратиш кўрсатишни ўрганиш. Камчиликларни қандай қилиб йўқотиш ҳақида баҳслашиш, яъни камчиликни битта ўқувчининг ўзига айтиш орқали таъсир қилиш.

3. Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу ўқув қўлланма жамиятнинг янгиланиш даврида инсон маънавияти ва руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг психологик табиатини англашга ёрдам беради [4].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, миллийлигимизда барча инсоний фазилатлар мужассам, ҳаттоки мулоқот этикаси бўйича аждодларимиз каттагина мерос қолдирганлар. Уни ўрганишни таълим-тарбиянинг замонавий усуллари орқали амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади. Келгусида ҳудди манашу йўсинда таълим-тарбия олган талаба уни ҳаётда қўллашнинг мақбул усулларига эга бўлиши мумкин. Шундагина у инсон сифатида етук шахсга айланади ва мамлакатимиз равнақига хиссасини қўшувчи малакали мутахассисга айланади.

### **References:**

1. Ishmuhammedov R., Yuldashev M. Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar. – Toshkent, Adabiyot uchqunlari, 2017. – B.59-62.
2. Ismailova Z.K. Tarbiyaviy ishlar metodikasi. – Toshkent, Istiqlol, 2003. – 170 b.

3. Ochilova G. Pedagogik mahorat asoslari. Ma'ruzalar matni. – Toshkent, TDIU, 2012. – 142 b.
4. Xoshimova M.K. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – Toshkent, TDIU, 2011.-160 b.